



halol.uz

Пальма мойи — Малайзиянинг мудроқдаги ҳалол гиганти

Агар бу мамлакат дунёдаги биринчи ракамли пальма мойи ишлаб чиқарувчи бўлса, у қандай қилиб ухлаб ётган гигант бўлиши мумкин? Сўнгги воқеалар ва уларнинг ҳалол озик-овқат саноати салоҳиятига таъсирини ҳисобга олсангиз, жавоб аниқ бўлади. Истеъмолчиларнинг соғломроқ озик-овқат маҳсулотларини харид қилишга намоён бўлган хоҳиши бутун дунё бўйлаб пальма мойига бўлган талабнинг ортиб боришига асосий сабаб бўлмоқда. Пальма мойининг бошқа мой навларига нисбатан мукамал истеъмол хусусиятларининг устунлиги, унинг соғлиқ учун фойдаси, озукавий киймати ва бошқа қимматли сифатларининг кенг тарқалганлиги ундан озик-овқат ва техник мақсадларда фойдаланадиган истеъмолчилар афзал кўришининг ошишига олиб келди. 2001 йилда бошланган қорамол кутуриши (ингл. Mad-cow disease) эпидемияси ҳам глобал истеъмол талаби ўсимлик мойларига қаратилишига ҳисса қўшди. Сертификатлаш органлари аниқлаганидек, пальма мойи асосидаги озик-овқат маҳсулотлари истеъмол учун яроқли ҳисобланади, чунки улар генетик модификация қилинган материал ва ёғ

кислоталарини ўз ичига олмайди. Пальма мойига асосланган техник махсулотлар ҳам атроф-мухитда қайта ишлаш ва биологик парчаланишга кодир, шунинг учун улар халол ва таййиб тушунчаларига мос келадиган экологик тоза ёкилги бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Турли хусусиятларга эга бўлган озик моддаларга бой бўлган мезокарпий ва мой пальмасининг ўзаги уларни техник шартларга кўра ёғ хусусиятлари берилиши керак бўлган рецептларда ишлатиш мумкин. Турли технологиялар қайта ишловчига мижоз томонидан белгиланган ҳар қандай хусусиятларга эга мой асосидаги турли моддалар билан таъминлаш имконини беради.

Мойли кимёвий моддалар деб ҳам аталадиган мой асосидаги бу таркибий қисмлар мойлар ва ёғлардан олинади. Улар нефть-кимё махсулотлари каби совун, ювувчи воситалар, косметика, озика эмульгаторлари ва хатто гўдақлар учун сут аралашмаси тайёрлашда фойдаланилади.

Пальма мойи халол ўрин босувчи сифатида

Истеъмолчиларнинг соғломрок озик-овкат махсулотларини афзал кўриши таркибида хайвон ёғлари, масалан, мол ёғи бўлган махсулотларга зид равишда, таркибида ўсимлик ёғлари бўлган махсулотларга талабнинг ўсишига олиб келди.

Каттик хайвон ёғлари - хайвонларнинг тўқималари ва ёғ катламларидан, айниқса сигир ёки кўйларнинг буйрак ёнидаги (ички) ёғларидан олинган мой. Соф хайвон ёғи каттик, хидсиз ва таъмсиз бўлиб, тижорат мақсадларида одатда ички ёғни ёпик бакларда қиздириш (эритиш) йўли билан олинади. У совун, озик-овкат мойлари ва мойли кимёвий моддалар ишлаб чиқаришда фойдаланилади, бу эса уни фармацевтика махсулотлари ишлаб чиқариш учун ҳам яроқли қилади.

Саноатда хайвон ёғи бевосита мол ёғи ёки кўй ёғи сифатида белгиланмайди. Шунинг учун тижорат ёғи кўпинча бошқа хайвонлардан, масалан, чўчкадан олинган моддаларни ўз ичига олади. Шундай қилиб, пальма ёғи ҳосилалари хайвон ёғи ўрнини босувчи бўлиб хизмат қилиши мумкин; бу ўрнини босувчилар соғлом ва шунингдек, халолдир.

«Ҳосила мойларга келадиган бўлсак, ҳақиқатда улар ўсиликлардан ёки бошқа манбалардан олинган икки ёки учта таркибий қисмнинг кимёвий реакцияси натижасини ифодалайди», дейди «Нейчурал Олеокемикалз Сдн Бхд» («Нат Олео») фирмасининг маркетинг бўйича катта менежери Хофиз Жамолиддин.

«Агар нон ҳақида гапирадиган бўлсак, унинг таркибида эмульгатор бор, гигиена воситалари, масалан, тиш пастаси ва тиш эликсирида глицериндан фойдаланилади. Бу эмульгатор ёки глицерин ниманинг асосида тайёрланган экани бизга номаълум. Одатда қандайдир фирма номлари, масалан, PEG ёки E литераси ҳарфлар билан қўлланади. Улар қандай хайвондан олингани, бу хайвон ислом қоидаларига мувофиқ сўйилганми, йўқми – буни ҳам билмаймиз», - дейди у.

Бозорни билмаслик

"Халол масалаларда саводлирок бўлиб, мусулмонлар турмуш тарзини ўзгартира бошлайдилар, аммо туб ўзгаришлар вақт талаб қилади, чунки ишлаб чиқарувчиларнинг аксарияти хали ҳам мусулмонлар эмас. Мусулмонлар эса халол маҳсулотлар сотилишини талаб қилмайди, эҳтимол улар бозор ҳолатидан беҳабар бўлгани учундир", - дейди «Нат Олео» бош менежери Хожи Абдулрахмон Сулаймон.

Хожи Абдулрахмон Сулаймоннинг хабар қилишича, «Нат Олео» халол сертификатлашдан ҳам, кошер сертификатлашдан ҳам ўтиб, Европа ва АКШдаги истеъмолчилар бу талабларга жавоб беришни талаб қилаётганини, натижада бутун таъминот занжири охир-окибат ўзгараётганини таъкидлаб ўтди.

«Тўғрироғи, мусулмонлар чўчка гўштини истеъмол қилишмайди, лекин, шу билан бирга, чўчка гўшти учун ишлатиладиган идишлардан фойдаланишимизга йўл қўйилмайди.

Худди шу нарса озик-овкат ёғи учун ҳам тааллуқли. Гарчи пальма мойи ўз-ўзидан халол бўлсада, лекин агар у харом маҳсулотлардан алоҳида сакланмаса, халол макомини йўқотади ва яроксиз бўлиб қолади. Маҳсулот тайёрлаш, саклаш ва ташиш шароитлари бошидан охиригача халол бўлиши керак. Бутун таъминот занжири халол бўлиши шарт. Европа ва Қўшма Штатлардаги харидорлар шу кунларда кошер маҳсулотларини талаб қилмоқда. Бундай харидорларнинг сони оз бўлса-да, улар ишлаб чиқарувчиларни кўзгатишга муваффақ бўлдилар. Улар аллақачон кемада маҳсулотлар ташиш учун бак «кошер» эканлиги ҳақида қизиқа бошладилар. Агар у илгари хайвон ёғи билан тўлдирилган бўлса ва сиз бакни уларнинг талабларига кўра тозаламаган бўлсангиз, улар буни кошер деб тан олмайди ва маҳсулот харид қилмайди.

Халолга келадиган бўлсак, биз энди ишлаб чиқариш босқичига етиб келдик. Афсуски, транспорт воситасида ташиш ва дистрибуция хали бу даражага етгани йўқ», хулоса қилади Хожи Абдулрахмон.

Истикболлар умид уйғотади

АКШ озик-овкат маҳсулотлари ва дори-дармонлар бўйича Бошкармаси томонидан илгари сурилган, хаддан ташқари ёғли кислоталар мавжудлигини ёрликларда кўрсатиш талаби ва Жаҳон савдо ташкилотининг 2006 йил январдаги тавсиялари бўйича пальма мойи импортга етказиб бериш бўйича Хитой тариф ставкаси квотасининг бекор қилиниши Малайзия пальма мойи саноати келажагига ижобий таъсир этган икки омил бўлди.

«АКШ озик-овкат маҳсулотлари ва дори-дармонлар бўйича Бошкармаси қарори АКШ да гидрогенланган соя мойи истеъмолига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади ва якуний ҳисобда, пальма мойи учун ижобий аҳамиятга эга бўлади. Баҳоларга кўра, ёрликлар ҳақида қонун ҳужжати 2,5 млн тоннага яқин қисман гидрогенланган ўсимлик мойига дахл қилади. Ушбу қарор қучга қирғач, пальма мойи тўлақонли алмаштирувчи ролини эгаллайди, чунки гидрогенлашни талаб қилмайдиган табиий ярим-суюқ ёғли модда

хисобланади», деди «Голден Хоуп Плантейшнз Берхад» корхоналар гурухи ижрочи директори ва Малайзия пальма мойи ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси директори Дато Сабри Ахамад.

Хозирги кунда йилига 14 млн. тонна хом пальма мойи ишлаб чиқараётган Малайзия дунё бўйича ушбу маҳсулот ишлаб чиқаришининг 46%ини таъминлайди ва йилига 12 млн тонна маҳсулот ишлаб чиқарувчи Индонезиядан озгина ўзиб кетган хисобланади. Ушбу тармок маҳсулотлари экспортдан олинган даромад 30 млрд. Малайзия долларини ташкил қилди. Экспорт дунёнинг 150 мамлакатини, жумладан, Хитой, Хиндистон, Покистон ва Европа Иттифок мамлакатларини қамраб олди.

«АҚШ каби кучли иктисодиёт субъекти томонидан қабул қилинган қарор Хиндистон, Хитой ва Япония каби бошқа бозорларда ижобий занжир реакциясига сабаб бўлади. Хитой бозорининг очилишига келадиган бўлсак, биз европалик бир хамкорни белгилаб олдик ва биргаликда маҳсулотимизни Хитойга чиқарамиз. Умид қиламизки, кунига 100 контейнердан юк жўнатамиз, лекин хозир бу кўрсаткич 4-5 контейнерга тенг», деди «ММ Витаойлс Сдн Бхд» директори Мазлан Мухаммад.

Малайзия пальма мойини Хитойга экспорт қилиш 2004 йилгача 3,1 млн тонна даражада бўлиб, бу Хитойга пальма мойи умумий импорт ҳажмининг 70 фоизига мос келган. Яқин йилларда бу рақамни йиллик 4-4,5 млн тоннага етказиш кўзда тутилган, бунда қисқа вақт ичида ушбу маҳсулот нархининг ўсиши кутилмоқда.

Техник жиҳатлардан ташқари, харид қилинадиган пальма мойи миқдори учун чегирмалар соя мойини харид қилгандаги чегирмалардан анча қулай. Талабнинг ўсиши АҚШ га Малайзия пальма мойи экспортининг 2003 йил 263 минг тоннадан 2005 йил январь-ноябрь ойларида ярим миллион тоннагача ўсишига олиб келди.

«Талабнинг ошганлиги туфайли биз таъминотни ҳам оширамиз, бу ўтган 10 йил давомида бизнинг режаларимиздан ўрин олганди. Пальма мойи нархи маълум бир шаклланиш даврида 1500-1600 Малайзия долларигача ўсишини кутяпман. Ушбу товарни етказиб бериш характери мураккаблиги билан боғлиқ биологик дизель ёқилги, мой қимёси ва иктисодиётнинг глобаллашуви билан боғлиқ сўнги воқеаларни ҳисобга олиб, нархлар барқарор ва қулай бўлиши кутиляпти», таъкидлади Дато Сабри.

Бошқалар ҳам унинг фикрига қўшилади. Кишлоқ хўжалиги майдонлари ва товарлар вазирлиги парламент котиби Лип Йонгнинг айтишича, пальма мойининг бир тоннаси 1400 Малайзия долларига тенг жорий нархлари «қулай» даражада ушлаб турилибди ва ҳукумат учун бу нархнинг 2000 Малайзия долларигача кўтарилиши керак эмас. «Бизнинг мойимиз бошқа 16 турдаги мойлар билан рақобат қилиш имкониятига эга. Чегирмалар соя ёғига нисбатан қулай. Агар мойимизнинг нархи жуда кўтарилса, у рақобатбардош бўлишни тўхтатади», деди у.

Биодизель ёқилгиси истикболлари

Пальма мойи нархи, бошқа энг тарқалган товарлар нархи каби, ҳар доим ҳам юқори даражада сакланмайди. 2000 йилда нархларнинг тоннасига 700 Малайзия долларига тушиши ва нефть нархининг ошиши пальма мойидан ёқилги сифатида фойдаланишга

каратилган илмий тадқиқотларни жадаллаштирди.

Малайзияни ривожлантириш Тўққизинчи режасининг ажралмас қисми бўлган ҳукуматнинг биоёқилги соҳасида миллий сиёсат дастури ёқилги таъминотидаги бу бўшлиқни зудлик билан тўлдиришга каратилган кўринади. Биоёқилгидан фойдаланишни рағбатлантириш орқали ҳукумат пальма мойи нархларини барқарорлаштириш учун дастлабки чораларни кўрмоқда.

Шу тарика Малайзия дизель ёқилги импорти 5%, яъни ярим миллион тоннага қисқаради. Бир тоннаси 1400 Малайзия доллари бўлган ҳолда пальма мойи унинг нархи бир тоннаси 1700-2000 Малайзия доллари атрофида бўлган импорт дизель ёқилгидан анча арзон. Саноати ривожланган мамлакатлар ҳозирда БМТ Киото протоколини бажариш учун атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни камайтириш йўлларини изламоқда, чунки биоёқилгининг ёниш маҳсулотлари таркибида карбонат ангидрид йўқлиги сабабли унинг учун атмосферага зарарли моддалар чиқарилишига қонуний асосда квота сотиб олишга эҳтиёж йўқ. БМТ ва АКШ биодизель ёқилги муқобил манбаларини кидириб, уни ишлаб чиқаришни кенгайтирмоқда.

Бу икки минтақада биодизель ишлаб чиқариш уларнинг ўрнини тўлдириш керак бўладиган ўсимлик мойлари такчиллигини яратади, пальма мойи эса талабни қондириш мақсадида бу такчилликни тўлдириш учун энг арзон ва энг соғлом муқобил восита ҳисобланади. Йилига 750 минг тонна пальма мойи экспорт қилиб, Малайзия 1,7 млрд. Малайзия доллари ишлаб топиши мумкин.

«Биз келаси йил Европада пальма мойи дизель ёқилгисига кўпроқ фойдаланилишини кутяпмиз. Ҳозир у ерда пальма мойидан қиммат бўлган рапс мойидан фойдаланиляпти. Бу эҳтиёжларга қаида 500 минг тонна пальма мойи фойдаланилиши қутиляпти», деди Дато Сабри.

Ҳозирда Малайзияда мойли пальма майдонлари 4 млн. гектарга яқин. Башоратларга кўра бу майдонлар 5-6 млн. гектарга етиб, 2020 йилда тўлиқ фойдаланилиши қутилган. Бундай майдонлар билан Малайзия саноати биодизель ёқилгига ўсиб бораётган дунё талабини қондириш учун етарли миқдорда пальма мойи ишлаб чиқара оладими? Бу саволга жавоб, Дато Сабри фикрига кўра, пальма дарахтлари ҳосилдорлигини оширишдадир.

"Малайзия биодизель ёқилгисига бўлган талабни қондириш учун пальма мойини етарли миқдорда ишлаб чиқаришга қодир. Ҳосилдорликка келсак, малайзиялик ишлаб чиқарувчилар пальма мойи ҳосилдорлигини гектарига жорий 4 тоннадан 8 тоннагача, сарфланган хом ашёдан тайёрланган экстрактнинг улуши 19% дан 25% гача ва FFB ишлаб чиқаришни гектарига 20 тоннадан 40 тоннагача оширишлари керак бўлади. FFB ишлаб чиқаришни «Голден Хоуп» компанияси селекциячилар томонидан чиқарилган GH-500 клонланган пальма ёрдамида оширилиши мумкин.

"Дизел ёқилгисига бўлган талабни қондириш мумкин бўлса-да, эҳтиёт бўлишимиз керак, чунки ҳозирда ишлаб чиқарилаётган пальма мойининг 90% озик-овқат мақсадларида ишлатилади. Биз озик-овқат мақсадларида ва ёқилгидан фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган мой улушларининг мувозанатига эришишимиз керак", - дея хулоса қилди Дато Сабри.

Пальма мойи ёғ ва мойларга бўлган дунё талабини мувозанатлашда бемалол ижобий роль ўйнашни давом эттириши мумкин.

Малайзия томонидан экологик пальма мойи давра столига (КСЭПМ) кўрсатилаётган катта ёрдам ҳам тармоққа ва бутун жамиятга фойда келтириши мумкин, чунки пальма

мойи ишлаб чиқариш ва истеъмоли иктисодиёт, жамият ва атроф-мухит яшаш қобилиятини таъминлайдиган усул билан амалга оширилиши зарур. Халол маҳсулотларга талаб ортиб бораётгани, Қўшма Штатларда янги Конунчилик қоидалари, Хитой билан божхона чегараларининг очилиши ва биодизель ёқилгининг ажойиб истикболлари пальма мойига бўлган талабнинг янги қўламини яратади ва уни қўллашнинг янги йўналишларини очади. Халол саноатнинг уйкудаги гиганти уйгонсин!

Абу Муслим таржимаси